

5-7 СИНОФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЭСТЕТИК ДУНЁҚАРАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАКТАБ РЕПЕРТУАРИНИНГ ЎРНИ

Атабоева Шохида Жураевна

Фарғона давлат университети Вокал ва Чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси

Ғофурова Мухайёхон Юрсинбоевна

Марғилон педагогика колледжи ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6659989>

Аннотация. Мазкур мақолада юқори синф ўқувчиларининг эстетик дунёқарашини шакллантиришида мусиқа маданияти фанинг ўқув дарслиги таркибига кирган мактаб репертуарининг ўрни борасида фикр юритилган

Калим сўзлар: мусиқа маданияти, фан, мактаб репертуари, эстетик дунёқараши, мусиқий тафаккур, ижодкорлик, дастур

РОЛЬ ШКОЛЬНОГО РЕПЕРТУАРА В РАЗВИТИИ ЭСТЕТИЧЕСКОГО МИРОВОЗРЕНИЯ УЧАЩИХСЯ 5-7 КЛАССОВ

Аннотация. В данной статье рассматривается роль школьного репертуара в формировании эстетического мировоззрения старшеклассников, входящего в состав учебника музыкальной культуры.

Ключевые слова: музыкальная культура, наука, школьный репертуар, эстетическое мировоззрение, музыкальное мышление, творчество, программа.

THE ROLE OF THE SCHOOL REPERTOIRE IN THE DEVELOPMENT OF THE AESTHETIC WORLD VIEW OF STUDENTS IN GRADES 5-7

Abstract. This article discusses the role of school repertoire in the formation of the aesthetic outlook of high school students, which is part of the textbook of music culture

Keywords: music culture, science, school repertoire, aesthetic worldview, musical thinking, creativity, program

КИРИШ

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ миллий-маънавий қадриятларимизга, урф-одатларимизга, унутилаёзган, тарихан қадрли анъаналаримизга бўлган эътибор, уларни янгидан ислоҳ этиш жараёни устивор йўналиш касб этди.

Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, маънавий бойлигимизга бўлган эътибор давлат миқёсига кўтарилди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ота-боболаримиздан, аждодларимиздан қолган маънавий бойликларни, жумладан, мусиқий маданиятни авайлаб асраш, тиклаш борасида, қолаверса, замон билан ҳамоҳанг қадам ташлаш борасида талайгина ишлар қилинди. Бу борада ўтган аждодларимиз бизларга мерос қилиб қолдириб кетган улкан маънавий бойлигимиз асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Маънавиятимизнинг асосий бўғини бўлган мусиқий маданиятимиз, анъанавий кўшиқларимиз, мақом ижролари ҳамиша халқимизнинг кундалик ҳаётида маънавий озуқа сифатида эҳтироф этиб келинган. Халқ оғир кунларида мусиқадан нажот излаган, хурсандчилик кунларида ҳам кўшиқ ва мусиқа уларга ҳамроҳ бўлган[1,28].

Анъанавий мусиқа ва қўшиқларимиз одамларни ҳамиша иймонга, меҳр-оқибатга, одамийликка чорлаб келган. Бугунги кунда ҳам шу долзарблигини йўқотмаган ҳолда мустақилликка, меҳнаткашлар онгини шакллантириш йўлида, баркамол авлод тарбиясида восита сифатида асосий омиллардан бўлиб қолаверади.

Мамлакатимиз тамомила янги жамият, янги турмуш ва янги ҳаётни бошлаб юборди. Одамларимиз қалби, тафаккури ва тасавурида ўзгаришлар пайдо бўлди.

Президентимиз таъкидлаганларидай, маънавият масаласи миллат тарихи, ахлоқий ва диний қадриятлар, маданий мерос, анъана ва расм- русумлар, миллий мафкура, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, миллий ўзликни англаш сингари жуда кўп омилларни ўз ичига олади ва пировардида, инсон шахсини белгилашда асосий мезон вазифасини бажаради.

Педагогика ҳамда психологияга оид адабиётларда мусиқанинг катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланади.

Бизнинг назаримизда, инсон онгида вужудга келиб, шаклланиб, тараққий этаётган маънавий қадриятлар ўқувчиларда маънавий-ахлоқий, эстетик фазилатларни тарбиялашда муҳим манба ҳисобланади. Эстетик фазилатларни тарбиялаш жараёнида ўқувчиларнинг янгидан- янги маънавий эҳтиёжлари пайдо бўлади. Шу эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилиш эса ўқувчида ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга интилиш, изланишни қарор топтиради. Бу ҳаракат боланинг ўқувчилик даврида яққол кўзга ташланади. Мавзу жиҳатидан турлича бўлган болаларбоп Хоразм мусиқа фольклори намуналарини мунтазам равишда ўрганиб бориш, ижро этиш ўқувчиларнинг нафақат репертуарини бойитади, балки уларнинг миллий қадриятларимизга бўлган муносабатини барқарорлаштиради, дунёқарашини кенгайтиради ва эстетик фазилатларнинг такомиллашишига ёрдам беради. Бу туйғулар ғоят кўп қиррали ва хилма-хилдир.

ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Педагог олимларнинг фикрларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, Хоразм мусиқа фольклори воситасида 5-7-синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш қуйидаги тадбирлар асосида амалга оширилиши мумкин:

1. Ўқувчиларда нафосат, гўзалликка интилиш ва уни ардоқлаш.
2. Ватани ва халқига бўлган муҳаббат туйғуси.
3. Ўқувчиларни меҳнат, кишилар ва улар томонидан яратилган неъматларга бўлган муносабатини шакллантириш.
4. Ўқувчининг жамият аъзоларига бўлган муносабати.
5. Қўшиқларни идрок этиш орқали нафосат элементларини таркиб топтириш.
6. Ўқувчининг шахс сифатида ўз-ўзига нисбатан қарашларини таркиб топтириш орқали. Ўқувчиларнинг эстетик фазилатлари уларнинг ақлий, ахлоқий, бадий ва маданиятлилик каби кўп қиррали таркибий қисмларидан иборат. Мусиқа маданияти дарсларида эстетик фазилатларнинг таркибий қисмлари ўқувчи онгига ўзаро бирлик ва алоқадорликда сингдирилади. Хоразм мусиқа фольклори воситасида 5-7-синф ўқувчиларида инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, нафосат, эътиқод, табиатга муҳаббат, бурч ва ҳуқуқни англаш каби юксак ахлоқий-маънавий фазилатлар шаклланиб боради. Эстетик тарбия замирида ахлоқий билим, кўникма ва малакалар ахлоқ қоидалари ёрдамида

Ўқувчининг хулқ-атвори, ҳатти-харакатларини бошқаришнинг ўзига хос тизими ётади. Ахлоқан гўзал шахс маънан гўзал ва баркамол бўлади.

Ахлоқий фазилатлар эса ўқувчининг кўп қиррали фаолияти давомида қисман миллий мусиқа ҳамда фольклор кўшиқлари воситасида шаклланиб боради. Ахлоқий фазилатнинг кўринишлари, унинг қирралари ва намоён бўлиши хилма-хилдир. Инсонпарварлик, ҳалоллик, ташаббускорлик, фаоллик, ижодкорлик каби қатор муҳим тушунчалар ахлоқий фазилатга оид тушунчалардир. Жамиятнинг моддий-маънавий ривожланишига қадриятлар, тарбия воситаси бўлган турли қарашлар ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Маънавий қадриятлар мустақиллигимизнинг қарор топишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилишини унутмаслигимиз лозим.

Шахсда эстетик тарбия ҳамда эстетик маданият одоб–ахлоқ қоидалари замирида шаклланиб боради. Шарқона тарбия мезонларида иймон, эътиқод тушунчалари негизида эстетик маданиятнинг моҳияти мужассамлашган. Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти таълимида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш воситаларидан бири Хоразм фольклор кўшиқларидир. Бундай фольклор кўшиқлари турли байрам ва тантаналарда айтилиши билан бир қаторда, мусиқа маданияти дарсларида ҳам ўрганилади. Бу жараён ўқувчининг ўзлигини англашга ёрдам бериб, унинг фаоллигини тезлаштиради. Ўқувчиларни фольклор кўшиқлари орқали эстетик тарбиялаш, аввало, уларнинг маънавий - ахлоқий дидини такомиллаштиради. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, индивидуаллигини ҳисобга олиш, мусиқани идрок қилиш, уни таҳлил қила олишга ўргатиш педагогик–психологик шарт– шароитларнинг мавжудлигига бевосита боғлиқ. Фольклор кўшиқлари орқали 5-7-синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш мусиқа санъатининг бошқа жанрлари, яъни мақом ва мумтоз ашулалар қаторида ўзининг қулайлиги ҳамда тингловчиларга тез етиб бориши билан ажралиб туради. Чунки, фольклор кўшиқларида халқнинг анъаналари, расм– русумлари, маданияти ўз ифодасини топган. Ўқувчилар ҳаётида мусиқа таълими алоҳида ўрин эгаллайди, уларда мусиқага бўлган қизиқиш шу даврда ниҳоят даражада жадаллашади. Бу эса ўқувчиларнинг интеллектуал, эстетик ва маънавий оламини бойитиш, ривожлантиришга хизмат қилади [2-30].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўқувчиларнинг мусиқани ёқтириши, фольклор кўшиқлари воситасида уларни гўзаллик оламига олиб кириш, ижрочилик маҳоратларидан баҳраманд бўлиш ва уларни ўз халқининг мусиқа асарларини кадрлашга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда уларда енгил-елпи мусиқага қизиқиш ортиб, мумтоз мусиқий оҳанглардан узоқлашиш ҳисси пайдо бўлади. Ёш авлодни фольклор кўшиқлари воситасида эстетик тарбиялашда мусиқани ҳиссий идрок қилишга йўналтириш энг асосий омил ҳисобланади.

Мусиқа таълимида ўқувчини қизиқтириш алоҳида аҳамиятга эга. Қизиқиш ўқувчиларнинг эҳтиёжига айланса, уларнинг диққати ва фикри, хаёлини жамлашга катта имкон беради. Хоразм мусиқа фольклори орқали ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг муҳим шартларидан бири-уларда мусиқий қобилиятнинг мавжудлигини аниқлай олишдадир. Мусиқага оид эстетик қобилият - бу, ўз навбатида, мусиқий идрокнинг икки муҳим томонини ўзида мужассамлаштиради:

а) ҳиссий билиш;

б) самарали билиш.

Хиссий идрок ҳар бир ўқувчининг мусикадан таъсирлана олиши, унинг гўзаллигини хис этиши, ҳаётий воқеаларни ўз қамровига сола олишида намоён бўлади. Самарали билиш мусикани идрок қилиш орқали ўқувчининг ўзини ўраб турган муҳит ва ҳаёт ҳақида унинг учун янгилик бўлган хабар, билимларни эгаллашга эришишдан иборат. Фольклор кўшиқларидан оладиган маълумотларнинг кенг қамровли бўлишини таъминлаш, ҳиссий таъсирчанликни ўстириш учун ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини ривожлантириш зарур. Ўқувчиларга ўргатиладиган фольклор кўшиқларининг мусиқий беағи, ундаги нола ва қочиримлардан унумли фойдаланган ҳолда халқ анъаналари, удумлари ҳамда турли маросимлар билан узвий боғлаб, ўқувчиларга сингдириш лозим.

Хоразм мусика фольклори намуналари таъсирчанлигини таъминловчи асосий омиллардан бири-унинг ўқувчилар ҳиссиётига тез таъсир қила олишидир. Мусиқий оҳангнинг юксак даражада эмоционаллиги, унинг инсон ҳиссиёт ҳамда кечинмаларига самарали, кучли ва чуқур таъсир эта олишида намоён бўлади.

Фольклор кўшиқларини ижро этиш жараёнида сўзнинг эмоционаллиги билан биргаликда ундаги ўйноқилик, ҳаракатчанлик, эпчилликка ундаш, имоишоралар, товушларнинг оҳангдорлиги, чолғу созларнинг мусиқий жозибаторлиги ўқувчиларда гўзалликка бўлган интилишни шакллантиради ҳамда, эстетик тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади. Эстетик тарбиялаш орқали ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатлар ҳам шакллантирилади. Марказий Осиё халқлари орасида мавжуд бўлган ва улар томонидан яратилган афсона, ривоят ва кўшиқларда ҳам эстетик тарбия бош мезон сифатида намоён бўлган. Кўшиқнинг сеҳри, жозибаторлиги ҳатто жаҳлдор, зулмкор ҳукмдорларни ҳам шаҳдидан қайтарган, адолатли бўлишга ундаган.

МУҲОКАМА

Ривоятларга кўра, қадимда бир подшоҳ бўлган экан. У шундай жаҳлдор, зулмкор бўлган экан-ки, унинг олдида ҳеч ким ортиқча сўзлай олмас, ҳаракат қилмас экан. Кунлардан бир куни мамлакатдаги вояга етган йигитларни синовдан ўтказишни мақсад қилиб, жамики, йигитларни йиғишни буюрибди. Чопарлар мамлакатнинг тўрт томонига йўл олиб, йигитларни сарой олдидаги майдонга тўплабди. Йиғилганларнинг қўлига ўқ ва камон беришибди. Майдонга чиройли ясатилган бир отни чиқариб юбориб, йигитларга шу отга қарата камондан ўқ отиш топширилади. Шунда қизиқ воқеа юз беради. Барча йигитлар ўқ узадию, фақат сафда турган йигитлардан биттаси ўқ узмайди. Буни кузатиб турган подшоҳ йигитни дарҳол қатл қилишни буюради. Йигитни қатл қилиш олдидан унинг онаси подшоҳга ёлвориб ўғли ҳали уйланмаганлиги, чимилдиқ кўрмаганлигини, охирги марта бир кўшиқ куйлашига ижозат этишини сўрайди. Йигитнинг онаси шунақанги кўшиқ куйлайдики, унда онанинг дарди, халқнинг кўраётган зулми ифодаланади. Шоҳ олдидаги барча аёнлар, ҳаттоки подшоҳнинг ўзи ҳам йиғлаб юборади. Шоҳ онага юзланиб бу қанақа кўшиқ, менинг саройимдаги хонандалар ижро қилмаган бу мунгли кўшиқ қандай номланади? деб сўрайди. Она бу кўшиқ “Алла” эканини айтади. Шунда подшоҳнинг қалбида илиқлик пайдо бўлиб, йигитнинг жазосини бекор қилади ва ўша кундан бошлаб адолатли ҳамда меҳрибон шоҳ бўлишга аҳд қилади. Демак, мана шунга ўхшаган ривоят ва афсоналарда халқнинг эзгу ниятлари, орзу-умидлари, ахлоқий фазилатлари, анъаналари ўз аксини топган. Маънавий-ахлоқий фазилат каби унинг

негизини ташкил қиладиган моддиймаънавий қадриятлар ҳам тарихий ҳодисалар сифатида халқ учун хос бўлган хусусият бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб, изчил давом этиб келмоқда. Фольклор намуналарида ифодаланган ўғитлар, намуна кўрсатиш, ўрнак бўлиш, муружаат қилиш, киноя, пичинг, кесатиқ каби поэтик воситалар бўлса; мусикий оҳанг, махсус кўринишлар эстетик тарбия манбаси сифатида хизмат қилади.

ХУЛОСА

Фольклор кўшиқлари муҳим ижтимоий педагогик аҳамиятга эга. Жумладан, улар ўқувчиларни ёшлигиданоқ фойдали ишларга ўргатиш, жамият учун манфаат келтирадиган, баркамол шахс бўлиб етишишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, фольклор кўшиқлари ўқувчиларда юксак инсоний фазилатлар: ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, дўстга садоқат, одамларга ишонч туйғуларини шакллантиради. Мусиқа фольклорини ўрганиш орқали ўқувчилар маънавий қадриятларнинг таъсир кучи, халқимизнинг миллий характери, ғоявий-сиёсий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, ақлий, жисмоний маданият каби тушунчаларга эга бўладилар. Шунинг учун, мусиқа фольклори ўқувчиларда ахлоқий фазилатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутаяди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев А.А. санъат тарихи Т. 1991. 28 бет
2. Akhmedova M (2021). Psycholinguic features of oriental speech etiquette. Euro-Asia Conferences, 1 (1), pp. 203–205.
3. Akhmedova M (2021). Psycholinguic features of eastern speech etiquette. EConference Globe. Pp. 14-16.
4. Мадримов Б. (2021). Факторы нравственно-эстетического становления личности будущего профессионального музыканта. Scientific Progress. Vol. 1, issue 5, Pp. 576-580.
5. Мадримов Б.Х. (2021). О современной систематике музыкальных форм. Scientific Progress. 2 (4), pp. 922-927.
6. Nurmhammadoyich, R. O., & Nurullaevna, N. M. (2021). Social And Spiritual Importance of Lessons of Musical Culture. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 2(2), 50-52.
7. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In Archive of Conferences (pp. 92-94).
4. Nurmamatovich, D. S. (2022). The Role of Modern Technologies in the Learning Process. Journal of Ethics and Diversity in International Communication, 1(8), 6-9.
8. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In Archive of Conferences (pp. 61-62).
9. Sultonali Mannopov, A., Abdusalom Soliev, U., & Tokhir Shokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845-6853.